

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 103 (2367)

1991 ЙИЛ 27 АВГУСТ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

Совет Социалистик Республикалари  
Иттифоқи Президентининг  
ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ-  
НИНГ МОЛ-МУЛКИ ТҮҒРИСИДА

1. Халқ депутатлари Кенгашлари КПССнинг мол-мулкни муҳофазага олсинлар. Бундан бўён ундан фойдаланиш масалалари мол-мулк ва жамоат бирлашмалари тўғрисидаги СССР ва Республикаларнинг қонунларига қатъий мувофиқ равишда ҳал қилиниши керак.

2. Амалдаги қонунларга биноан халқ депутатлари Кенгашлари ўз фаолиятини тўхтатидиган партия кўмиталари ходимларини ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти чора-тадбирларини кўрсинаш. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа давлат идоралари фуқаролик ҳуқуқларининг бирон-бир тарзда бузилишига йўл қўймасинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи  
Президенти  
Москва, Кремль.  
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари  
Иттифоқи Президентининг  
ФАРМОНИ

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ВА ҲУҚУҚНИ МУҲО-  
ФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИДА ҲАМДА ДАВЛАТ АП-  
ПАРАТИДА СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА СИЕСИЙ ҲА-  
РАКАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТҮҒРИ-  
СИДА

1. СССР Қуролли Кучларида, СССР Ички ишлар вазирлигига, СССР давлат ҳавфисизлиги кўмитасига, ҳуқуқни муҳофаза қиливчи бошқа идораларда, темир йўл қўшинларida ҳамда бошқа барча ҳарбий тузилмаларда ва давлат аппарати органларida сиёсий партияларнинг ва сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти тўхтатилсин.

2. Мазкур тузилмалар ва идораларда ишлаб турган сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатларнинг аъзолари ўз сиёсий фаолиятда қатнашиш конституциявий ҳуқуқини шу органлардан ташқарида ва хизматдан ташқари вақтда амалга оширадилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи  
Президенти  
Москва, Кремль.  
1991 йил 24 август.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва давлат ҳавфисизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинисин.

2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта мuddат ичидаги Ички ишлар вазирлиги ва давлат ҳавфисизлиги комитети органларининг мақоми ҳамда низомини қайтадан кўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари ҳавфисизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишини назарда тутсингилар.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.

4. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаси Раёсатига жуда қисқа мuddатда республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси мухкамасига тақдим этиш таклиф қилинсин.

5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, давлат ҳавфисизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлari, шунингдек республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркестон Ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан ҳоли қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бундан бўён юқорида кўрсатилган органлар ва муассасалarda сиёсий партиялар ва ҳаракатларни янги ташкили тузилмаларини вужудга келтиришга йўл қўйилмайди.

6. Мазкур маҳкамаларнинг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан биргаликда ушбу Фармон муносабати билан ишдан бўшайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун барча чораларни қўрсиллар.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 25 август.

## «Одамхўр ушландими ёки йўқми?»

Шу йил 20 август куни рўзномамизда бутунитифоқ қидируvida юрган Николай Жумагалиев тақдирига боғлиқ шов-шувлар хусусида бир оз тўхталгандик. Айни чорда «Постда»нинг яқин қунлардаги сонларидан бирида бу ҳақда батафсилроқ маълумот беришни вадда қилгандик.

### I. ТУНГИ ШАРПА

Янгиқишлоқ Фарғона тумани марказидан 17 километр олисда жойлашган мўъажазгина гўшалардан бири. «Мўъажазгина» деганимизнинг боиси — бу ерда атиги 94 онла истиқомат қиласи.

16 апрелга ўтар кечаси шу қишлоққа ўғри оралади. У дастлаб Қулмизра Қувватов хонадонига «ташриф буюрди». Худди арвоҳлар монанд оҳиста ҳаракат қилиб, З минг 500 сўмлик уй жиҳозларини ўмарди. Кейин оёқ учиди юриб, Мамашариф Юсуповнига кириб борди. У ердан ҳам 1 минг 600 сўмлик буюмларни гумондон қилиди.

Худди шунингдек, Гуломжон Қодиров, Абдуҳамид Эрматовларнинг хонадонини ҳам назардан четда қолдирмади. Ҳар иккى уй эгалари ширин ўйқуда эканликлари учун ярим кечада номаълум кўланка тимирскилинаб юрганини мутлақо сезишмади.

— Мен ҳам даставвал аҳамият қўймабман, — дейди уч боланинг онаси Зебоҳон, — лекин кўшини хонада нимадир «қитир-қитир» қиливерди. Мушук кириб қолгандир, деган хаёлга бордим. Турмуш ўртогим (Абдумуталиб Эрматов) иккимиз кириб қарасак, кўча тарафдаги дераза очиб қолган экан...

Шу сабаб бўлди. Ярим кечада эканлигига қарамай эркаклар бир зумда оёққа туришди. 25-30 чорги одам тўпланди. Улар иккى гуруҳга бўлиниб, ўғрини қидира бошлиши.

Ниҳоят, ҳув нарида шошиб кетаётган бир шарпа кўринди. Улар тўхташни буюришгач, ўзини қалин тутзорга уриб, кўздан йўқолди.

— Ийитлар, иккича йилдан бери қишлоғимиздан кўй ўғирланади, — деди ҳам қишлоқлардан бири. — Тутзорга яширинган кимса ўша ўғри бўлса, ажаб эмас. Ниҳма қилимиз?

— Қидириб топамиз, — дейишиди бошқалар. — Бир

таъзирини бериш керак!  
— Унда эҳтиёт бўлинглар, куролланган бўлиши ҳам мумкин!

Тумандаги учинчи авто-корхонага қарашли ёрдамчи хўжаликда ишлайдиган Абдувоҳид Эрматидан жиҳоятчига биринчи бўлиб дуч келди. Ӯн-ӯн беш қадам нарида пайдо бўлган сариқ курткали одам тобора узоқлашиб борарди.

— Дастлаб чўчиб тушдим, — дейди Абдувоҳид бесаранжомлик ва таҳлика билан ўтган ўша тунни хотирлаб. — Кейин ўзимни кўлга олдим. Бошқаларни ёрдамга чақирдим. Сариқ курткали шахс эса тирақайлаб қоча бошлиди. Бир пайт тўсатдан орқасига ўтирилди. Варанглаб ўқ узилди. Ўнг курагим ачишиб кетди. Умуман, у бизларга қарата ҳаммаси бўлиб беш марта отди. Истроил Турдиматов деган йигит бор, у ҳам қўлидан яраланган ўшанда.

Халқимизда шошганда лаббай топилмас, деган нақл бор. Ўша куни эндиғина №3 баҳорни қаршилаган Комилжон Нодировнинг шошиб қолганини ҳанузгача беғубор кулги билан эслашади. У ўғрини тутзордан чиқиб, шудгор томон қочса керак, деб тахмин қўланди. Адашган экан, бундай бўлмади. Олазарак ўғри бедапояга қараб жон-жаҳди билан интилди. Орқасида эса оломон.

Комилжон ёш, бақувват, чаққон эмасми, бир зумда уни қувлаётгандарга етиб олди ва ҳатто ўзиб ҳам кетди. Кейин шундоқнина ёнида ҳансираб чопаётган кишига хиёл бурилиб сўради:

— Худойберди ака, ўғри қани ўзи, кўздан йўқотиб қўйдим!

«Худойберди»дан сас-садо чиқмади. Орқадан ҳаллос-лаб эргашаётгандар эса:

— Комилжон, ушламайсанми ўғрини? Ахир, у ёнингда-ку! — деб қичқирнишарди.

«Худойберди» эса қўлга тушмаслик мақсадида ён томонга бурилди ва янада тезорқ чопаверди.

Юқорида айтилганидек, ўғри таъқиб қиувлувиларга қарата беш марта ўқ узид, иккى кишини яралди. Яна отмоқи эди. Лекин бўлмади. «Тоз-8» белгили милтири негадир ишламай қолди. Шунда у ён-атроф қоп-қонронги эканлигидан фойдаланди. Сакраб сувсиз ариққа биқинди. Ҳар эҳтимолга қарши пичорини чиқариб ёнига қўйдиди, милтиқни созлашга тутинди.

Иўқ, улгурмади. Ҳамқишлоқлар ўқ шаклидаги ажалдан ҳам чўчимай унга яқинлашиди. Кейин саросимада қолган ўғрини тутиб, қўл-оғини яхшилаб борлаб, маҳалла чойхонасига келтиришиди.

— Ўша куни туман ички ишлар бўлимида мен оператив навбатчи эдим, — дейди милиция майори Шокир ака Мажидов. — «Тез ёрдам»дан қўнғироқ қилишиди. Ҳабар қилишларича, Янгиқишлоқлар идомлари милтиқ ўқидан яралган Абдувоҳид Эрматов исмли йигитни олиб келишишиди.

Телефон дастасини жойига кўйишга ҳам улгурмадим. Жиққа терга тушган иккى киши кирди. Янгиқишлоқларлар битта ашаддий ўғрини тутиб одамларни айтди.

ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Ёқубжон Маҳмудов раҳбарлигидаги гуруҳ воқеа жойига етиб борди. Чиндан ҳам ўғри оёқ-қўли боғланган ҳолда ётар, одамлар дарғазаб эди.

— Уни машина чикариб олдик. — дейди Ёқубжон Маҳмудов аласа аралаш кулиб. — лекин канийди машина тезроқ ўт олса! Эсқини эплагунча эсинг кетар, деганларин юз фоиз тўғри экан. Ҳайрият, ўғрини тутган одамлар «хайхай»лашиб итариб юргизишди...

Туман милиция жойига кўйишини Николай Еспалович Азилгараев деб таништириди. Шу туман прокурори руҳсати билан қамоққа олингандай кейин эса Хитой халқ жумхурини фуқароси НАРИМОН МАЙКОВИЧ АБАҚОВ эканлиги хакида кўсатма берди.

### 2. У КИМ УЗИ?

Шу кунларда вилоят марказида жойлашган 10-тергов ҳибсонасида Наримон Майкович Абаков ётиди. У ЎзССЖ жиноят мажмусининг 125-моддаси З-қисми. 15-ва 81-моддалари асосида ўғирлик ва фуқаролар ҳаётига сунҷасд қилишда айланапти. Бу ҳақда рўзномамизнинг 20 август кунги сонида ёзган эдик.

(Давоми З-бетда).

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кечада ЎзССЖ ИИВда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбе-

кистан ССЖ Президенти И. А. Каримов 1991 йил 25 августда имзолаган Фармон талабларидан келиб чиқадиган вазифалар мұҳоммада қилинди. Бу ҳақда жумхурият ички иш-

лар вазири генерал-майор В. М. Қамолов сўзга чиқди. Жумхурият Президентининг Фармони ижросини таъминлаш чоралари белгиланди.

ИУЛ ИНТИЗОМНИ ЕҚТИРАДИ

# Йўлинииз бехатар бўлсин

Одатда ички ишлар ходимлари тўғрисида матбуотда кам ёзишади. Осойиштарилик посбонлари тунларни кунларга улаб ишласаларда, уларнинг меҳнатлари ҳамма вақт ҳам ҳақиқий баҳосини топавермайди. Аслида бизнинг осойишталигимизни, тинч-тотувлигимизни таъминлаб турганлар ўшалар. Милиция ходимларининг фаолияти ҳақиқида Ульянов тумани ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлинмаси бошлиги милиция капитани Шуҳрат Иронов билан сұхбатлашдид.

Шуҳрат ака, сұхбатни сарҳисбдан бошласак. Шу йилнинг ўтган олти ойнда қандай ишларни амалга ошириларингиз?

Ошкоралик даври бўлганларига сабабли ҳамма нарсани очиқ-оидин айтган яхши. Автоҳалокатларнинг соҳи камиайиши ўрнига ортиб боряпти. Бунга мисол тарикасида ушбу раҳамаларни келтираман. 1990 йилнинг олти ойи мобайнода 1434 марта йўл ҳаракати қоидаси бузилганини қайд қилинганди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 2673 тани ташкил этапти. Шуниси ачинарлики, маҳ ҳолда автомашина бошқарётгандар ҳам учраб турибди. Ўтган олти ойда 25 нафар рулдаги ҳайдовчининг кайфи баландлигини аниқладик. Улар меҳнат қилаётган хўжалик, корхона, ташкилот ва муасасаларга хат жўнатганимиз. Раҳбарлар ҳайдовчиларнинг қимлишларини жамоа ўрта-

сида муҳокама қилиб, бизга жавоб йўлладилар.

Автоҳалокатларнинг кўпайшига асосий сабаб нима?

Биринчи навбатда ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги, йўл ҳаракати қоидасига тўла риоя қимласликлари сабаб бўлмоқда. Айрим отоналар ҳали балогат ёшига етмаган «эркатой» фарзандларига автомашина ёки мотоциклларни бошқаришга рухсат беришади. Йўл қоидасини яхши билмаган бундай ёшлар кўнгилсиз воқеаларни содир этишгаётпти. Ҳозиргача тумандада 29 та автоҳалокат содир бўлди. Бунинг натижасида 4 икши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 28 икши эса оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди. Үрни келганда шу нарсани алоҳида қайд этмоқчиманки, айрим ҳайдовчилар жиноят содир этиб, жабрланувчига дастлабки ёрдам кўрсатиш ўрнига қандай бўлмасин воқеа содир бўлган жойдан тездагина «куён» бўлишга шошилишади. Бу билан улар ўзларни содир этган жиноятни янада оғирлаштирадилар.

Тумандада автоҳалокатларнинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилало?

Йўл ҳаракати қатнови мунтазам суратда назорат қилиб бориляпти. Майманоқ ва Хўжаҳайрон қишлоқлари ҳудудлари ДАН ходимлари рейдлар узошибтиришади. Бундан ташқари ҳар бир корхона ва ташкилотларда тушунтириш иш-

лари олиб бориляпти.

Давлат машинасида шахсий манфаати учун фойдаланидиган шоффёрлар ондасонда бўлсада учраб турибди. Ҳозиргача ана шундайлардан 28 нафари ушланиб, белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилди.

Техникаларни назоратдан ўтказиш қандай якунланди?

«Пахтакор», «Қашқадарё», Дзержинский номидаги давлат хўжаликларида бу ишга алоҳида масъулият билан ёндашилганлиги кўзга ташланди. Автомашиналар кўришкага ҳар томонлама шай қилинган.

Носоз уловлар ҳам аниқландами?

Ха, албатта. Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек техника кўргигига ўта эътиборсизлик билан қараган хўжалик, ва корхоналар ҳам йўқ эмас. «Ўзбекистон Комсомоли 50 йиллиги» давлат хўжалиги, Ульянов номли пахта тозалаш заводи, «Каршикурилишнинг туманинг 2-автолорхонаси шулар жумласидандир. Бу хўжалик ва ташкилотларда кўрикни мубаффақиятли ўтказишга етарлича эътибор берилмаган. Мутасадди раҳбарлар ўз бурчларига совуғонлиги туфайли ана шундай кечириб бўлмас ҳоллар вужудга келаётпти.

Шуҳрат ака, муштарилик енгил автомашинларга тўланадиган давлат солигининг кўпайганлиги қизиқтиради.

Бугунги кунда ҳамма ана шу савол билан бизга

мурожаат қилаётпти. Автомашиналарнинг давлат солиги кўпайганлигини изоҳлаб бериш учун қўнғироқлар бўлмоқда. Шахсий транспорт воситалариниң ҳар бир от кучига 2 сўмдан, давлат ихтиёридаги техникаларнинг ҳар бир от кучига 4 сўмдан солиқ тўлаш белгиланган. Давлат солигининг ошганлиги фуқароларга бирмунча қийинчиликлар келтириб чиқараётпти. Улар уловларини техника кўригидан ўтказишни уччалик ҳам хоҳлашмаяпти.

Ишда камчиликлар, муаммолар ҳам бўлса керак?

Албатта. Иш бор жайди камчилик, муаммо бўлиши табий. Аввало, ДАН ходимлари техника билан таъминланмаган. Йўл назорияти ходимларига учта мотоцикл берилган, холос. Қолганлари ўзларининг шахсий автомашинларидан фойдаланишади. Техника тараққий эттан даврда яшамиз у, машиналарнинг тезлигини ўлчайдиган асбоб бизда ҳанузгача йўқ. Бундан ташқари машинадан чиқадиган заҳарли газ миқдорини аниқлайдиган асбобнинг йўқлиги ҳам бизни қийин ахволга солиб кўзмоқда. Ўйлайманни, бу муаммолар яқин ўртада ҳал этилади.

Муштариликларга тилакларингиз.

Ҳамиша йўллари бехатар бўлсин.

Сұхбатдош  
М. ЖУРАЕВ

## Инспекторлар доғда қолмади

22 мюнга ўтар кечаси Норин туманинни ҳўжа қишлоғида хавфли жиноятчи қўлга туширилди.

Соат таҳминан иккى яримлар эди. Шу қишлоқда жойлашпани ДАН постида хизмат вазифаларини бажарётганди. Наманган вилояти ва шаҳар ИИБ ДАН инспекторларни эътиборини катта тезлини келаётган енгил автомашина ўзига тортиди. Милиция катта сержанти Нематжон Раҳимов тикишириб кўриш мақсадидаги тўхташ ҳақида ишора қилиди. Бироқ ҳайдовчи кутилмагандага ўйналишини ўзгартириб, кўздан гойиб бўлишга уринди. Зудлик билан кўрилган чора туфайли «ГАЗ-24» белгилни автомашинани бошқариб бораётган қочоқ ҳайдовчи тўхтатиди.

Улов рулини тутган 25 ёшлардаги бу йигитнинг ёнида ҳеч қандай ҳужоқат йўқ эди. Вақт ғаниматида қочиб қолишига уриниган бу кимса милиция ходимларига қаршилик кўрсантишига тушди. Натижка чиқмагач, найнангизлигини қила бошлади. У талвасага тушган ҳолда тинмай сув беришларини төлаб қиласди. Бу инспекторларни каттиқ шубҳага солди. Чунки наркотик модда таъсири остидаги одамнига шундай долатга тушиши мумкин.

ДАН навбатчилик кисмига бу воқеа ҳақида хабар тушгач,

взвод командири Муҳаммаджон Долимов милиция катта сержанти Алишер Юнусов билан ётиб келди. Улар қонибзарни ўзлари билан олиб кетиш учун хонадан ташқари га чиқаётгандариди, у иккинчи бор қочишига уринди.

Ҳар бир имкониятда фойдаланиб қолишига ҳаракат қилиган бу йигит наркологик диспансерда юққисдан ўзини дераздан ташқарига отди. Яна қув-қув бошланди. Бироқ ҳали шахси аниқланмаган кимса яширишига улгурди. Уни таъқиб қилаётгандар эса атрофни назоратга олиб, қидириүни тозадиган этиравердилар.

Б. Адашев кўп қаватли ўйлар рўпарасидаги омборчалар оралигини кўздан кечираётби, қочоқнинг шу ердалигини пайқади. Бу сафар инспектор додга қолмади..

Наманган шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси А. Юсуповнинг хабар бернича, ДАН ходимлари қўлга туширган М. исмли шахс хавфли жиноятчи экан. У ўша куни ўзининг ёвуз ишитини тезорамал ошириш учун Оҳангарон туманида «ГАЗ-24» автомашинасини бошқариб бораётган кишига ҳужум қилиб, уловини тортиб олганлиги ҳам аниқланди. Жиноятчи ўша пайтда наркотик модда таъсири остидаги одамнига шундай долатга тушиши мумкин.

ДАН навбатчилик кисмига бу воқеа ҳақида хабар тушгач,

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Фарҳод кўчасида қатнов ниҳоят жадал. Туман ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорияти йўл-патруль хизмати инспектори милиция старшинаси Фаттоҳ Муталов буни эътиборга олган ҳолда навбатчиликни ўтказади. Унинг диққатидан бирон-бир қўпол қондабузарлик четда қолмайди. Шу билан бирга йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўта хушумомалада бўлади.

Суратда: милиция старшинаси Фаттоҳ Муталов йўл осойиштарилик таъминлаш бўйича бурчни ўтамоқда.

Ҳаким СОЛИХОВ олган сурат.

## ШОШҚАЛОҚЛИК ОҚИБАТИ

Айб ҳайдовчи Улугбек Кўшиқовда эди. Тепловоз манишисти Ҳожиматов бу кўнгилсизликнинг олдини олиш учун ҳаракат қилиб кўрди, лекин бу ҳаракатдан бирор нарса чиқмади. Автомобилда ўтирган 1989 йилда туйилган Сардорбек шу пайтнинг ўзидаёт ҳалок бўлди. Абдулла ва Улугбек-

лар оғир тан жароҳати олганларни туфайли шифохонага ёткизилдилар.

11 август куни эса ҳудди шундай кўнгилсиз ҳодиса Тошкент шаҳрининг Бобур кўчасида рўй берди. Кечаси соат бирларда «ВАЗ-21063» белгили И 99-86 ТН рақамили автомобил ҳайдовчиси Юсуфали Алишперов темир

йўлдан ўтиш чорига қондани қўпол равишда бузди. Афсуски, «ТГМ-4-А» белгилни 2624 рақамли тепловоз машинисти Содиқовнинг эрӣ составни тўхтатишига уриниши ҳам бежиз бўлди. Натижада 4 икши бир ахволда шифохонага келтирилди.

Ҳа, шошқалоқлик кўпинча ана шундай тузатиб бўлмас кўнгилсизликлар келтиради кишига.

Анвар НАЗАРОВ.

## «ОДАМХЎР УШЛАНДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни пайтда, ишончимиз комилки, рўзномамиз ихлос-мандарини битта савол ичи-зиқтирайпти. Ҳибсонада ўтирган Абаков ўша қонхўр Жумагалиевни ёки йўқми?

Ана шу савол билан Фарғона тумани прокуратураси терговчиси аддия кичик маслаҳатчиси Ҳолиқберди ака Мамажоновга мурожаат қилдик.

Мен Абаковга нисбатан қўзғатилган жиноий иш билан 29 майдан бери шугулланяпман, — дейди у киши ва кутилмаганда сўраб қолди. — 9 август куне кечкурун Марказий Телевиденинг «ТСН» (Янгиликлар телевизон хизмати) кўрсатувини кўрдингизми?

— Йўқ, афсус...

— Үзим ҳам қандайдир бехабар қолибман. Лекин прокуратурамиз котибаси Флора Низомиддинова кўриди. Шошилиб менга сим қоқди. «Холиқберди ака, ҳозир телевизорда бутуниттироқ қидирувида юрган одамхўр Жумагалиевнинг суратини қўратишди. У сиз шугулланётган Абаковга жуда ҳам ўхаш...» — деди.

Бу ишни чуқурроқ суриштирдик. Кейин ИИБ орқали Москвага мурожаат қилдик. Ҳарангли, у ердаги мутахассислар ҳам гумонизмни тўғри, деб тасдиқлашиди. Абаков ва Жумагалиевнинг бармоқ излари айнан битта одамники экан.

Прокуратура терговчиси янга айтишича, Абаков жуда пихини ёрганилардан. Дастьлаб қўлга тушганда, ўзини Николай Еспалович Азилгораев деб таништирганди. Шу ерда эътибор беринг: Азилгораевнинг ҳам, Жумагалиевнинг ҳам исм-шарифи бир хил — НИКОЛАЙ ЕСПАЛОВИЧ. Қолаверса, ҳар иккovi ҳам бир вақтда 1952 йил 1 январ куни тугилган.

Шундан кейин Абаков билан учрашига мувваф фақ бўлдик. Озғин, бўйи баланд, ранглари заҳил, кўзлари эса беко боқади. Тезз қоллама тишлари орасидан тилини чиқарли, лабларини ялаб қўяди. Ҳаммасидан ҳам ўзини ниҳоятда хотиржам тутиши таажжублантиди кишини.

Ўша куни ўғирлик қилгансиз. Устига-устак милтиқдан ўқ узиб, иккни кишини яралагансиз. Буни қандайди баҳолаш мумкин?

— Баҳша иложим йўқ эди. Иигирма чорли одам ортимдан қувиб келарди.

— Демак, сиз Жумагалиев, эмассиз, шундайми?

— Нималар деяпсиз? Мен Хитой фуқароси Абаковман.

— Кўрдингизми, — дейди терговчи қошлини чиқарди. — У янга бизни чалгитмоқчи бўлаётпти. Лекин касал яширилса, иситмаси ошкор қиласди. Уни чуқур ўрганиб, Жумагалиев эканлигини тасдиқловчи кўшичма маълумотлар тўплашимиз керак. Ишонаман, бу мақсад амалга ошади.

## Құсмоги бор емоқ

Яна туман түшди. Оқ зулмат касридан атиги иккى қадам нарини күршиш амри маҳол. Учи рутубатында қиши оғынниң қадалған яланоч даражатлар, ҳосилдан бүшаб, тин олаётган далалар сеҳр гарнинг бир ишораси билан узлатта чекингандек тууяларди. Төгни урса, майин талқонга айлантирадын Нуриддининг хуноби ошди. Үлдеганин одам топилмайды. Суриштирумасдан ахолига улов хизмети күрсатып тармогига ҳайдовчилукка кирған экан, мана гижинглаган «ГАЗ-53» бехудага қантарилиб ётибди. Режани эса ба жарыш шарт.

— Об-жаво расволигида қайси ахомынг күзи учыб турибди менга, — түнгиллади у. — Ҳозир ким ҳам күчага чиқарди? Шошма...

Нуриддин лабидан учган сүнгі сүзини бейхтиёр таррорларди: «Ким ҳам күчага чиқарди?» У чиқади. Машинанин моторини ўт олдирди-ю, кече күнглигина гулгула соглан ниятни амалга ошириш сари отланди. Ийлуга еб қўйгудек тикилгани учунми, тезда толиқиб қолди. Лекин далада эгасиз юрган молларни жарақ-жарақ пулга айлантириши дарди унинг күчига куч қўшарди. «Чида, каллаварам, бундай қулай фурсатни яна топиб кўрчи! — деб ўзига ўзи танбех ҳам бериб қўяди.

Ўрилган маккажӯхоризор ичига кириб, туман бағрига сингиб кетганидан сүнг у катта йўлдаги ташки оламдан бутунлай узилди. Машинанин дўнглил томон тисарип қўйгач, мўлжалдаги сигир ва новвосни излашга киришди. Узоқ қидирмади. Бийдай дадаги ёлғиз жониорларнинг мўлаши олисдан қулоқка чалинарди...

1990 йил 3 декабрь куни Бувайда тумани ИИБга «Партсъезд» жамоа хўжалиги

аъзоси Юсуфжон Маҳмудов синиқ кайфиятда кириб келди.

— 1 декабрь куни сигирим сомонга тушган иғнадек иzsiz йўқолди.

— Нега энди иккى кун ўтказиб хабар беряпсиз?

— Дараги чиқиб қоларми кан, дэвидим...

Жиноят қидирув ходимлари жигибийрон. Доим шундай. Ҳар бир мол ўғирлатган одам — Шерлок Холмс. Оддин ўзи изга тушади. Калава учи топилмагандан сўнг «дод» кўтариб, ҳасратини тўкиб соладиган жой — милицияя чопади. Утган вақт ўғри учун айни муддао эканлигини ҳам шу ерда англайди. Жиноят қидирув ходимлари эса аламини ичига ютиб, ҳодиса жойига йўл олишида.

Маккажӯхоризор четидаги дўнглик олдида тумандан бўйкан ерда машина гилдраги қолдирган из топилди.

— «ГАЗ-53»га юклashiбди, — дейишди милиция ходимлари

Худди шу куни ўша даладан жамоа хўжалиги молбоқари Комилжон Мирзаолимовга қарашли буқа ҳам ўғирланган экан. Барча таҳминлар элакдан ўтказилди. Бироқ жиноят очилмасдан қолаверди. Қидирув боши берк кўчага тақалди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Ёзёвон туманида ўғирлик мол ортилган машина тўхтатилди. Арқонни узокқа ташлаган терговчи «Партсъезд» жамоа хўжалиги аъзоларини Ленинград туманининг Зигир қишлоғида яшовин Нуриддин Мамадалиев қащатганини аниқлади.

Емоқнинг құсмоги бор, деғанларидек, туманга ишониб макруҳ ишга қўл урган Нуриддин бугун қилмишига яраша жазосини олди.

Ф. ЖУРАЕВ.

## ЁНГИН ЧИКДИ

22 август куни соат 19 лардан ўтганды Тошкент шахрининг Кўйлик бозоридаги пойафзал устахонасида ва унга туташ бўлган ошхонада ёнғин чиқди.


Қўтарилаётган аланга қисқа муддат ичидан даҳшатли тус олиб, бошқа дўконларга ҳам ўт кетиш хавфи туғилди. Симёғочнинг алана, ичидан қолиши сабабли қисқа туташув юз берди. Натижада таҳликали вазият юзага келди.

Бир зумда бу ерда ҳозир бўлган Ленин тумани ИИБ кўриқлаш бўлиммининг рота командири ўринbosari милиция капитани Суръат Тошкенбоеев ва шу бўлим ходимлари милиция старшинаси У. Жамолдинов, милиция сержантлари С. Оловутдинов ва Р. Собировлар зудлик билан одамларни хавфли зонадан чиқиб кетишларни таъминладилар.

Ёнғин хуружини даф қилиш учун Ленин тумани ҳудудидаги ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисменинг ички хизмат лейтенанти Пайзираҳмон Юсупов бошчилигидаги гурухи етиб келди. Үн кишидан зиёд жангчилар олтита ўт ўчириш машиналари ёрдамида фалокетни бартараф этдилар.

Ҳозир ёнғин сабаблари ҳамда давлатга келтирилган зарарнинг миқдори аниқланмоқда.

И. МИНАВАРОВ,  
«Постда» мухбири.



## ДОКА РЎМОЛ ҚУРИМІКАН?

Замонлар ўзгариб, тўғрилоги одамлар ўзгариб, отабоболаримиздан қолган: «Эрхотининг ўриши, дока рўмолниң қуриши», — деган наўлга ҳам птурур ети. Кейинги вақтларда Ильич туманида содир этилаётган онлавий жанжаллариниң баъзилари фожиали тугамоқда.

Бироқ ундан ҳеч ким тегишили хуласа чиқариб олаётгани йўқ.

20 июль куни Пахтаобод кўргонининг Комсомол кўчасидаги 14-ўйда яшовчи Урол Қўлдошев турмуш ўргига ўзаро низо пайтида пичоқ урган. Бувхожар тан жароҳати олиб, касалхона-

га ётқизилган. Узинни тута билмаган, болалари кела жагини ўлламаган Урол тергов идораларида бирор баҳона кўрсатолмай жавоб бермоқда. Мана сизга дока рўмолниң қуриши.

Ф. МАЛИКОВ,  
милиция капитани.

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ ҶАҲАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАҚАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хагосиз, сўзларни қисқартирумасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзуви катакларни алоқа сўлнилмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

## Қон ялаган қассоб

Пискент тумани ИИБ ходимлари жиноятчиларининг олдини олиш учун кескин чоралар кўрмокда-лар.

Суратда: туман ИИБ бошлигининг тергов бўйича ўринbosari милиция майори Худойберди Ҳожиев жиноята даҳлор шахс билан сұхбатлашмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат

Наманган шаҳар Завқий номли кўчанинг 36-ўйда яшовчи, 1958 йилда туғилган Иномжон Любовдан ҳамма хайнади.

Чунки бу йигитнинг кучи камиди битта этилган новвосникига тенг. Устига-устак ўта баджахл. Унча-мунча одамини бир «сузиш»да йикитади. Ишонган кишиларини айтмайсанз, вижиник. Касбини сўрасангиз, Уйчи туманининг Машад қишлоғида жойлашпани кооператив савдо сига қарашли 2-гўшт дўконидаги қассоблик қиласи.

Ижроқумнинг қарорида бу ҳудудда мол гўштининг бир килоси 13 сўм деб беягилган. Иномжон қассоб эса вилюят раҳбарининг қабул қилган қарорларига бир мунҷа «ўзгартириши» киритди. Яъни гўштининг баҳосини 2 сўмга оширди. Тўғрида, ҳозирги замонда ҳар ким ўз билганидан қолмаяпти-ку. Қолаверса, ўша қарорда: «Иномжон қассобга ҳам тегишили», — деган банданинг ўзи йўқ эди.

Қарабисизки, «ишибармон» дўкондорнинг пичоғи мой устида. Узингиз дисоблаб кўринг-а, агарда у кунига ҳар бирин ўзидек келадиган иккита буқани сўйиб сотса, нақд 600 сўм «соғ» фойда қолади. Ҳаридорлар эса қассобнинг ръйига қарши боришолмайди. Сабаби эса маълум: би номус кучли ёзлари кучсиз.

— Пичоқ суюнка бориб қадалди, — деди ҳозиргина уч кило гўштини 45 сўмга ҳарид қилган бир мўйсафид участка вакили Иzzатулла Бозоровнинг хонасига киради.

Ўзига биринтирилган ҳудуддаги дўконда нималар бўлаётганидан бехабар қолган милиция кунта лейтенанти И. Бозоров шилдасида кундак калласи билан милиция ходимини «сузиб» юборди. Бирорга қулоқ солмаган безори тажовузини давом этираверди. И. Бозоровни ўлдириб ташлаш билан қўрқитди.

Тан жароҳати олган участка вакили ҳимоя чорасини қўллашга мажбур бўлди. Шундагина қон яланан қассоб бўғизланавётган хўкизден гурсиллаб йиқилди.

Ҳозирда Иномжон Любовнинг қишиларини адолат тарозисига солиб кўриш учун «ишибармон» кетялти.

О. МАҲАМАДАЛИЕВ,  
Уйчи тумани ИИБ бошлигининг ўринbosari милиция маъбори.

Ф. СП-1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот үюшмасы»  
**«ПОСТДА»** 64615  
 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)  
**Рўзномасига ОБУНА**  
 обуна сони  
**1992 йил учун (ойлар бўйича)**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга  
 (пошта кўрсаткичи) (манзил)  
 Кимга  
 (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**Рўзномани ЕТИАЗИШ ВАРАҚЧАСИ**

П.В.	жойни
------	-------

64615  
 (нашр кўрсаткичи)

**«ПОСТДА»**  
 (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

**1992 йил учун (ойлар бўйича)**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга  
 (пошта кўрсаткичи) (манзил)  
 Кимга  
 (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

## МУХЛИСЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

«Постда» рўзномасига барча алоқа бўлимларида 1992 йил учун обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Рўзномага жамоатчи обуна тарқатувчилар ёрдамида ҳам ёзилиш мумкин.

Рўзноманинг обуна рақами (индекси) — 64615.

Обуна баҳоси — бир йилга 15 сўм 60 тийин, олти ойга 7 сўм 80 тийин, уч ойга 3 сўм 90 тийин.

Очил Умматов деганлари ҳаммага отнинг қашқасидай таниш эди. Ёши эзлик бирни қоралаб кўйган бўлсада, топганини ичкиликка сарфлаб, бошпана топиш ёки оила қуриш деган нарсаларни буткул унтиб кўйган одам. Кўплар уни «ароқтўр» деб атар, агар саломлашиб учун кўл узатса, кўлни ҳавода муаллақ қолдиришарди.

Халил Ҳуснуллин эса ундейлардан эмас экан. Кимлигидан қатъий назар инсон зотини «хўрмат» қилишга одатланган киши экан. Ҳатто бир куни Очилни уйига меҳмондорчилликка таклиф этди. Дастурхон ёзб, топған-тутганини меҳмон олдига кўйди.

Бундай меҳрга ва ғамхўрликка ўрганмаган Очил бир, иккни «оқи»дан отиб олгач, кўнгли бўшаб, кўзи ёшланди.

— Сен шу ўртадаги одамларнинг ичиди энг тозаси экансан, мени одам ўрнида кўриб, илтифот қилганинг учун минг марта раҳмат, — деди навбатдаги қадаҳни кўтаришдан олдин.

Шундан кейин \* биринчи, иккинчи ва навбатдаги бўшаган шишишлар кўрпача четига ага найверди.

Орадан тахминан ярим соатлар ўтгач, кайфи ошиб қолган улфатлар оғизидан ширин сўзлар ўрнига ҳақоратлар ағанаб чиқа бошлади.

— Халил, едириб-ичирганинг тупурдим! — деди Очил худди оғизга ёнгоқ солиб олгандек гўлдираб.

— Яхшиликни билмаган нон-кўр экансан, — деди Халил ҳам тилини ари чаққандай чулдираб. — Ҳе, онангни..



Боягина ялаб-юлқашаётгандар шу заҳоти муштлаша бошладилар. Газабдан қаттиқ тугилган муштлар ҳар иккисининг оғзи демай, кўзи демай туша кетди. Кейин худди кураш тушаётгандан полвонлардек бир-бирларига тирмашиши ва ниҳоят,

Нишон МЕЛИЕВ.



ХУШЁРБЕК

ХИЗМАТОГИ

Ассалому алайкум, қадрдорнлар! Орадан анча вақт ўтиб кетди, юз кўришомаймиз. Ҳойнадоҳ, ўзи согомониман, деб хавотир олган бўлсаларингиз керак-а! Ҳа, баракалла, сездим-а, девор бўлмаса, кўчани кўраман, ҳа!

Иккиси ой олдин қизик воқеа бўлди, денг. Қишлоқдан келган бир отаҳон ёнидан гулли московогини чиқардида, кафтини тўлдириб ноҳвой тўқди, кейин оғзини каппа очиб, тилининг тагига ташлади.

— Бу дунёда нафсоният ансонинг ургуги бўлиб кетди, болам, — деди «шу-шуб»лаб,

Унда эмас, деб роса тортишдим Кейин сафарга отландим. Нафсоният борми, деб лоҳ бўлмаса, мингдан ортиқ одамдан сўрадим. Ҳайрият, ниятиянига етдим.

Сизлардан яширадиган сирим йўқ, қадрдорнлар. Келинглар, мана ба мактубни биргаликда ўқиймиз.

\*\*\*

«Хурматли Хушёрбек!

Мени биласанми-йўқми? Шунақада, каминса сингари фақир-пачоқларни бўйлайсанда! Майли, мен кайфим йўқ пайтида ўзимнинг соямга ҳам салом берадиган камсукум одамман. Ўзимни танишириб қўйяй: Риштон шахрига бориб, Абдулло Раҳимов ким, десанг, мишиғи оқиб юрган боладан тортиб, бурни билан ер чизиб юрадиган чол-кампиргача дарров уйимни кўрсатиб қўйишида. Яна кулоққа лағмон осяти, деб ўйламагину отнинг қашқасидай маълум ва машҳурман. Чунки бу дунёда нафсониятни оқ ароқдан кейинги фарҳи иккинчи ўринга қўядиган «хўрзозлар кам. Биз эса ўша тоифаданмиз.

Яқинда кечга томон омад кулиб боқди-ю, «севгилим» билан висол оқшоми қилдик. Нима, э, йўқ, чонни кўриб бува деявермагинда, саккиз нафар чурвақалари бор одамга ўйланниши ким қўйибди? «Севгилим» — бу ўша, соҳибжамол «Русская водка». Унинг васлига етишган кун мен учун висол оқшоми! Шунақа.

Хуллас, эртаси куни ўйонганимда бошим ари уясидек фувилларди. Карактман. Висолдан кейинги айрилиқ азоби ёмон. Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб. Нимадир бўлдийу қизим Ортиқону жаҳ

# «Нафсоният»

лимни чиқариб юборди. Улганнинг устига тепган, деганларидек, онам ҳам нимадир, деди.

Ҳуб, боя айтдим-ку, мен учун энг қадрли нарса «севгилим», иккинчиси нафсоният. Уша, дегин, чирқираворди. Аввало ота бўлсанг, қолаверса, эркак! Жаҳл билан бостирмага яқинлашдим. Узиям 60 боғ поя менинг асабларимга ўхшаб қожираб-чирсилаб турган экан. Гугурт чакишим билан «лов» этиб ёнди-кетди.

Ана энди «хўрзозлар» ишондингми? Аввал пичоқни ўзинга ур, оғримаса биррова, дейишиди. Мен шундай қилдим. Кўшнининг эмас, ўзимнинг поямни куйдирдим.

Олов бир грамм ҳам тутамади. Унинг зангори тили зум ўтмай онам яшайдиган уй айвони пештоқини ямлай бошлади. Энди ёғочлар ҳам ёна бошлади.

Қўни-қўшнилар чепак кўтариб югуришди. Кимдир «пожарний»га сим қоққан экан, чийиллаб ўтичиш машиналари ҳам келди. Хуллас, ўтни ўтичишиди. Ҳа-ҳа, ўзлари ўтичишиди. Мен эса иккиси кўлнимни киссамга тикиб, уларнинг ишини назорат қилиб турдим. Нафсониятим кучлида, ўзим ёқиб, ўзим ўтираманми? Ҳеч қачон!

Лекин бу гумроҳ одамлар менинг тўғри тушунишмайди. Суд қилиб, ўзларича «жазолашди». Ҳа, майли, хўрз ўтигининг бошидан не ишлар ўтмайди, дейсан, чидадим.

Кейин ўйлаб қарасам, ким кўп — ёзмаса қўли қичиидиган ёзувчилар кўп. Бу ишларни ҳаммага достон қилиб юбормасин, дедиму ўзим қўлимга қалам олдим.

Хушёрбек, сендан илтимос, мана ҳамма гапдан хабардор бўлдинг. Бошка бироғ эшитмасин.

Камоли эҳтиром билан Абдулло Раҳимов.

Ана шунақа, азизлар! Абдуллонинг «нафсонияти» билан қисман танишингиз. Ҳалқимизда йигит қишининг сўзи ўлгунча, шайтоннинг бўйни ўзилсин, деган гап бор. Келинг, Абдуллонинг ҳам сазаси ўлмасин, унинг қилмишини сиз эшитдингиз, бошқа ҳеч ким билмасин. Оғзингиздан гуллаб қўйманг, хўпми!

Хушёрбекнинг котиби  
Алл ЭРДОН.

## САҲИЙЛИКНИ ҚАРАНГ

Бекобод шаҳар 9-автокорхона ҳайдовчиси О. Элчиев дўўпсизни бошидан олиб мундоқ ўйлаб караса, шу 50 сўмга унчалик зоришиб ҳам қолмаган экан. Энди жамоа ўртасида тўқилган обрусини ҳеч қандай пулга топа олмаслиги аниқ.

У шаҳар қурилиш материалилари заводидан объектга бетон қориши маси таширди. К. Ҳўжамуродовнинг илтиносига кўра давлат баҳоси 134 сўм 88 тийин турадиган 1,6 кубометр бетон қориши масини қўшни Тожикистон ССР Нов туманида қурилаётган ўйга келтиради. Ундан 50 сўмгина ҳақ олади.

О. Элчиев қоришини ўз баҳосидан 88 сўму 88 тийин камига сотади буни саҳиҳ демай бўладими? Аммо нега бу хотамтойлик давлат ҳисобидан қилинади? Шуниси қизинда.

Б. БОТИРОВ.



Хисобли дўст айрилмас, дейдилар. ЎзССЖ ички ишлар вазирлигига қарашли автохўжаликка истараси иссиққина аёл меҳнат қилиди. Унинг вазифасига ёнилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмларини сарфлашини назорат қилиш, маош фондини режали ишлатиш киради. Бу Наила Максютовадир.

Суратда: Н. МАКСЮТОВА.

Телефонлар: Мұхаррир,  
 мұхаррир ўринбосари — 39-77-23,  
 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)  
 Орган коллегии МВД  
 УзССР  
 26609 нусхада чоп этилди.